

## КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ МХХС АСОСИДА ТУЗИШ

**Отабек ХОЛМУРОДОВ,**

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти, катта ўқитувчи

### Аннотация

Мақолада консолидациялашган молиявий ҳисобот тузишнинг назарий асослари, қўлланилиши, консолидациялашган молиявий ҳисоботни шакллантириш ва уни тақдим этишини тартибига соловчи стандартлар, капитал устидан назорат ва унга таъсир даражаси ва тартиби ёритилган.

**Калит сўзлар:** консолидация, консолидациялашган молиявий ҳисобот, капитал устидан назорат, бош ташкилот, шўйба корхона, ҳаққоний қиймат.

### Кириш

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини таъминлаш ва бу жараённи янада мустаҳкамлашда миллий амалиётни халқаро стандартларга уйғунлаштириш муҳим роль ўйнайди.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иктисодиётини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада норматив-хукуқий хужжатлар такомиллаштирилмоқда ва қулай инвестиция муҳити шакллантирилмоқда. Мазкур жараёнда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар асосида тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”[1] ПФ-6096-сонли фармонида, давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш ҳамда 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сон билан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”[2] ги қарорида, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш каби вазифалар қўйилган.

**Асосий қисм.** Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг ривожланиши билан консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тайёрлаш умумэътироф этилган жаҳон амалиётига айланди.

Шунингдек, консолидациялашагн молиявий ҳисобот тузища молиявий ҳисоботларга изоҳларни, ҳисоб сиёсати қоидаларига риоя қилишни ва стандартлар билан тартибга солинадиган тушунтириш маълумотларини ўз ичига олади.

Консолидациялашаган молиявий ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этишни тартибга солувчи стандартлар, хусусан:

- МХХС (IFRS) 10 «Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар»;
- МСФО (IAS) 28 «Қарам тадбиркорлик субъектларидағи қўшма корхоналардаги инвестициялар”
- МСФО (IFRS) 3 «Бизнес бирлашувлари»;
- МСФО (IFRS) 12 «Бошқа тадбиркорлик субъектларида иштирок этиш тўғрисидаги маълумотларни очиб бериш»;
- МСФО (IFRS) 11 «Биргаликдаги фаолият бўйича келишувлар»;
- МСФО (IAS) 27 «Алоҳида молиявий ҳисоботлар»;
- МСФО (IAS) 36 «Активларнинг қадрсизланиши».

**Ўрганилганлик даражаси.** Бир гуруҳ компанияларнинг ҳисоботлари манфаатдор фойдаланувчиларга ягона хўжалик юритувчи субъект сифатида бир неча ташкилот ҳақида маълумот олиш имконини беради. Биринчи, консолидациялашган ҳисоботларни тузиш компанияларда XX аср бошларида АҚШда тузила бошланди. Манбаларга қарайдиган бўлсак, биринчи йиллик ҳисоботлар General Electric компанияси томонидан 1893 йилда тузилган бўлиб, унда фақат бош компаниянинг маълумотлари киритилган, иккинчи ҳисоботи эса консолидациялашган молиявий ҳисобот бўлган. Бунда, фойда ва заарлар ҳисоботида гурухнинг барча компаниялари маълумотлари ва тушумлари акс эттирилган[3].

U.S.Steel компанияси 12 март 1903 йилда биринчи маротаба ўзининг 31 декабр 1902 йил ҳолатидаги консолидациялашган молиявий ҳисоботини эълон қилди, яъни Price Waterhouse & Co аудиторлик компанияси томонидан “ҳисобот текширилди ва ижобий натижага берилди” деган хулоса олинди [4] 1903 йилда “Америкалик олимлар” журналида бу ҳисоботни “тўлиқ ва тушунарли ҳисобот” дея эътироф этишди[5]

Консолидациялашган ҳисоботни тузишнинг назарий ва методологик асослари кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

Н.Ю.Жўраев фикрича консолидациялашган молиявий ҳисобот (консолидация инглизча *consolidate* – бирлаштироқ, мустаҳкамламоқ) ҳисобот санасидаги молиявий аҳволни ва хўжалик юритувчи жамиятлар гурухининг ҳисобот даври учун молиявий натижаларни акс эттирувчи умумлаштирилган кўрсаткичлар тизими ҳисбланади. Консолидациялашган молиявий ҳисобот алоҳида молиявий ҳисоботлар, яъни хўжалик юритувчи жамиятлар гурухи ҳар бир аъзосининг умумлаштириш лозим бўлган ҳисоботларини умумлаштириш асосида тузилади [7].

Консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тузиш кўпчилик йирик компаниялар ўзининг таркибида киравчи корхоналарни ҳисобга олган ҳолда жамланма ҳисоботларни тузмоқда, лекин уларни тузища замонавий консолидациялаш механизмларини ҳисобга олмаслиги, ушбу компаниялар гурухининг ҳақиқий аҳволи кўринмай қолишига сабаб бўлмоқда. МХХС бўйича

консолидациялашган ҳисбот молиявий ҳисботнинг алоҳида маҳсус таркибий қисми ҳисобланади ва унга нисбатан маҳсус талаблар мавжуд.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, корхоналарни самарали бошқаришда қўпроқ уларни йирик гурухларга бирлаштирган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир. Бунда икки ёки ундан ортиқ компания молиявий-иқтисодий жиҳатдан бир компания ёки молия гурухлари остида бирлашади. Хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳининг бош корхона назорати остида бирлашуви юз берса, консолидациялашган молиявий ҳисбот тузилади. Консолидацияланган молиявий ҳисботни тузишнинг асосий мақсади – корпорация фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини тўлиғича очиб беришдан иборатdir [8].

Иқтисодчи олим С.Н.Ташназаровнинг таъкидлашича молиявий ҳисботларни хусусан, консолидациялашган молиявий ҳисботларни МҲҲС бўйича трансформация қилиш зарурияти ошиб бормоқда [9].

**Таҳлил ва натижалар.** Консолидациялашган молиявий ҳисботни тузилиши МҲҲС мувофиқ қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топган:

- молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисбот;
- фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисбот ва молиявий натижанинг бошқа таркибий қисмлари;
- хусусий капиталнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисбот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисбот.

Консолидация қилинишидан олдин бухгалтер ягона ҳисоб сиёсати асосида бир хил ҳисбот санаси учун тузилган асосий ва шўъба корхоналарнинг молиявий ҳисботларининг барча шаклларига эга бўлиши керак. Иложи бўлса, шўъба корхоналарнинг молиявий ҳисботларининг саналари бош корхонанинг молиявий ҳисботлари тузилган ҳисбот санаси билан бир хил бўлиши керак. 27-БҲҲС асосан, максимал фарқ 3 ойни ташкил қиласди. Агар шўъба корхоналарнинг молиявий ҳисботи бошқа баланс санасида тузилган бўлса, юзага келадиган жиддий фарқларни ҳисобга олган ҳолда тузутишлар киритилиши керак. Молиявий ҳисботни тузишдан олдин даврлар оралиғида тузилган молиявий ҳисботлар ўзгаришсиз қолиши лозим. Яъни, гуруҳ ичидаги хўжалик муомилалари тўлиқ чиқарилган, қолдиқлар солишиширилиши ва тўғрилиги текшириб чиқилиши керак. Агарда компанияни ташкил этиш ёки сотмоқчи бўлса, молиявий ҳисботлар ташкил этилган ва сотишгача бўлган санага тайёрланиши керак. Консолидациялашган бухгалтерия баланси, фойда ва заарлар тўғрисидаги ҳисботларни тузиш учун электрон жадваллардан ёки маҳсус дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш мумкин.



### 1-чизма. Балансларни бирлаштириш.

Консолидациялашган балансни бош корхона ва шӯъба корхонаси мисолида қараб чиқамиз. МХҲС (IFRS) 10 «Жамланган (консолидациялашган) молиявий ҳисоботлар» ҳамда МХҲС (IFRS) 3 «Бизнес бирлашувлари» стандартлари асосида тузиб чиқсак. Яъни, консолидациялашаган молиявий ҳисоботни босқичма-босқич қандай тайёрлаш мумкин.

Қўйидаги вазиятни кўриб чиқамиз:

Site Corp бош корхонаси, Arche Ltd шӯъба корхонаси ташкил этилгандан бери 80 % акциясига эгалик қиласди.

**Site Corp бош корхонаси ва Arche Ltd шӯъба корхонасининг 2018 йил 31 декабрдаги молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисботи.**

1-жадвал

Молиявий ҳолат тўғрисида ҳисбот 2018 йил 31 декабрдаги ҳолати	Site Corp.	Arche Ltd.
<b>Активлар</b>		
Узоқ муддатли активлар		
Асосий воситалар	120 000	90 000
Инвестиция Arche Ltd. (64 000 акция)	70 000	0
Гудвил, (бизнесни бирлаштиришда)		
Кечиктирилган фойда солиғи-актив	4 000	
	<b>194 000</b>	<b>90 000</b>
<b>Жорий активлар</b>		
Захиралар	55 000	34 000

<b>Дебиторлар</b>		
Arche Ltd	8 000	
Бошқа дебиторлик қарзлари	30 000	18 000
Пул маблағи ва унинг эквивалентлари	20 000	5 000
	<b>113 000</b>	<b>57 000</b>
<b>Жами, активлар</b>	<b>307 000</b>	<b>147 000</b>
<b>Хусусий капитал ва мажбуриятлар</b>		
<b>Капитал</b>		
Хусусий капитал, бош компанияга тегишли		
200 000 акция	-200 000	
80 000 акция		-80 000
Тақсимланмаган фойда	-62 000	-45 000
<i>Назорат қилинмайдиган улушили, ҳиссаси (NCI)</i>		
	<b>-262 000</b>	<b>-125 000</b>
<b>Мажбуриятлар</b>		
Узоқ муддатли мажбуриятлар		
Кечиктирилган фойда солиғи-мажбуриятлар,		-2 000
Қисқа муддатли мажбуриятлар		
Қисқа муддатли қарзлар		
Site Corp		-8 000
Бошқа кредиторлик қарзлари	-35 000	-12 000
Кредитлари ва ссудалари 12 ойгача тўланиши лозим бўлган	-10 000	
	<b>-45 000</b>	<b>-22 000</b>
<b>Жами хусусий капитали ва мажбуриятлари</b>	<b>-307 000</b>	<b>-147 000</b>
Текшириш	0	0

1-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, Site Сорнинг 31 декабр 2018 йил ҳолатига консолидациялашган молиявий ҳисботини тузамиз. Назорат қилинмайдиган улушили кўрсаткичлари Arche Ltdнинг соф активлари мутаносиб улуш сифатида ҳисобланади. Эътибор берсак, юқоридаги молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботда барча активлар плюс белгиси, барча мажбуриятлари эса минус белгиси билан кўрсатилган. Бу ҳисботни текшириш ва хатоларни аниқлашни осонлаштириш учун амалга оширилади. Консолидациялашган балансни учта босқич бўйича кўриб чиқсан:

- бош корхонанинг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромадлари, харажатлари ва пул оқимлари каби моддаларни шўъба корхоналари билан бирлашириши;
- ўзаро ҳисоблашув (истисно) бош корхонанинг ҳар бир шўъба корхонага киритилган инвестицияларининг баланс қиймати; ҳар бир шўъба корхона капиталидаги бош корхона улушкининг баланс қиймати.
- гурӯх субъектлари ўртасидаги муомилалар билан боғлиқ бўлган гурӯх ичидаги активлар ва мажбуриятлар, ўз капитали, даромадлари, харажатлари ва пул оқимларини тўлиқ ҳажмда *истисно қилиши*.

### **1-босқич. Балансларни бирлаштириш.**

Барча шўъба корхоналарнинг активлари ва мажбуриятлари адолатли қиймат бўйича ҳисботи акс эттирилгани ва бошқа асосий шартларга риоя қилинганига ишончимиз комил бўлгач, бош корхона ва шўъба корхоналарнинг ўхшаш сатрларини бирлаштириш мумкин. Бу унча қийинчилик туғдирмайди, яъни бош ва шўъба корхона молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисботнинг бир хил усулидан фойдаланса, фақат корхоналарнинг асосий воситалари, пул маблағлари ва бошқа муомилалари кўшилади.

Амалиётда, корхоналар ўзларининг молиявий ҳолатини тақдим этиш учун ўз усулларидан фойдаланиладилар ва шунинг учун балансларни бирлаштириш қийинроқ кечади. Шу жиҳатдан, кўпгина гуруҳлар “консолидация пакетлари” дан фойдаланиладилар ва шўъба корхоналарнинг бухгалтерлари ўзларининг молиявий ҳисботларини тайёрлашда уларни тўлдириши керак бўлади. Шунинг учун, корхоналар гуруҳининг назоратчиси консолидациялашган пакетини тўлдиришни мунтазам равишда эслатганда, бу нима учун муҳимлигини тушунасиз. Бизнинг мисолимизда, бирлаштириш сатрлари қуидаги кўринишда бўлади:

#### **Site Corp бош корхонаси ва Arche Ltd шўъба корхонаси балансларини бирлаштириш 2-жадвал**

<b>Молиявий ҳолат тўғрисида ҳисбот 2018 йил 31 декабрдаги ҳолати</b>	<b>Site Corp.</b>	<b>Arche Ltd.</b>	<b>Бирлаштириш</b>
<b>Активлар</b>			
<i>Узоқ муддатли активлар</i>			
Асосий воситалар	120 000	90 000	210 000
Инвестиция Arche Ltd. (64 000 акция)	70 000	0	70 000
Гудвил, (бизнесни бирлаштиришда)			
Кечиктирилган фойда солиғи-актив	4 000		4 000
	<b>194 000</b>	<b>90 000</b>	<b>284 000</b>
<b>Жорий активлар</b>			
Захиралар	55 000	34 000	89 000
Дебиторлар			
Arche Ltd	8 000		8 000
Бошқа дебиторлик қарзлари	30 000	18 000	48 000
Пул маблағи ва унинг эквивалентлари	20 000	5 000	25 000
	<b>113 000</b>	<b>57 000</b>	<b>170 000</b>
<b>Жами, активлар</b>	<b>307 000</b>	<b>147 000</b>	<b>454 000</b>
<b>Хусусий капитал ва мажбуриятлар</b>			
<b>Капитал</b>			
Хусусий капитал, бош компанияга тегишли			
200 000 акция	-200 000		-200 000
80 000 акция		-80 000	-80 000
Тақсимланмаган фойда	-62 000	-45 000	-107 000
<i>Назорат қилинмайдиган улуши, ҳиссаси (NCI)</i>			
	<b>-262 000</b>	<b>-125 000</b>	<b>-387 000</b>
<b>Мажбуриятлар</b>			

Узок муддатли мажбуриятлар			
Кечиктирилган фойда солиғи-мажбуриятлар		-2 000	-2 000
Қисқа муддатли мажбуриятлар			
Қисқа муддатли қарзлар			
Site Corp		-8 000	-8 000
Бошқа кредиторлик қарзлари	-35 000	-12 000	-47 000
Кредитлари ва ссудалари 12 ойгача түланиши лозим бўлган	-10 000		-10 000
	<b>-45 000</b>	<b>-22 000</b>	<b>-67 000</b>
<b>Жами хусусий капитали ва мажбуриятлари</b>	<b>-307 000</b>	<b>-147 000</b>	<b>-454 000</b>
Текшириш	0	0	0

Мисол учун, асосий воситаларни бирлаштириш 210000 м.с.=бош корхонанинг асосий воситалари 120000 м.с. + шўъба корхонаси асосий воситалари 90000 м.с.

## 2-босқич. Капитални умумлаштириш.

Сатрларни бирлаштиргандан сўнг, бош корхона шўъба корхонага инвестицияларини ва асосий корхона ўз улушини ўзаро ҳисоблашувни амалга ошириши керак, яъни шўъба корхонасининг балансида.

Ва, албатта назорат қилинмайдиган иштирокидаги улушки ва гудвилни тан олиш керак.

Биринчи қисми оддий, Site Сорнинг инвестициясини Arche Ltdдан чиқариб ташлаш (-70000) ва Arche Ltdнинг акционерлик капиталини тўлиқ хисобдан чиқариб ташлаш зарур.(+80000 ва хоказолар). 20% улушга эга бўлганлиги сабабли, Arche Ltdнинг тақсимланмаган фойдасидан мутаносиб улушкини чиқариб ташлаш лозим. Яъни, улушкини сотиб олгандан кейин ( $20 \times 45000$ ) бу 9000 м.с ташкил этади. Биз қаердан биламиз, яъни Arche Ltdнинг барча тақсимланмаган фойдасини 45000 м.с. ташкил этганини, сотиб олгандан кейин олингандими?

Бизнинг мисолимизда шуни қўрсатадики, бош корхона 80% Arche Ltdнинг акциясига эгалик қиласди, яъни Arche Ltdни рўйхатга олган пайтда, шунинг учун Arche Ltdнинг тақсимланмаган фойдасидаги улушки сотиб олингандан кейин тўлиқ олинган. Бу масалада ҳар доим жуда эҳтиёт бўлиш керак, чунки сиз сотиб олишдан олдинги тақсимланмаган фойдани сотиб олингандан кейинги тақсимланмаган фойдадан ажратишингиз керак, аммо бу мисолда биз масалани мураккаблаштирумаймиз.

Энди, назорат қилинмайдиган улуш ва гудвилни тан олишингиз керак. Site Corp Arche Ltdни 80% улушкига эгалик қиласди, шунинг учун назорат қилинмайдиган акционерлик улушки Arche Ltdнинг соф активларини 20%ини ташкил қиласди. Масала шўъба корхонанинг соф активларидағи улушга мутаносиб равишда назорат қилинмайдиган улушни баҳолашдан иборат.

Ҳисобот даври охирида ҳисоб-китоб қўйидаги қўринишга эга бўлади:

- Arche Ltdнинг соф активлари 2018 йил 31 декабр ҳолатига кўра 125000 м.с. ташкил этади, шу жумладан бош корхонанинг сармоя капитали 80000 м.с.ни ва тақсимланмаган фойда -45000 м.с. ташкил этади.

- 2018 йил 31 декабр ҳолатига назорат қилинмайдиган улуш Arche Ltdнинг соф активларини 20%ини ташкил этади. Ҳисоботда минус белгиси билан акс эттирасак, яъни биз назорат қилинмайдиган улушкин хусусий капиталимизда қарз сифатида қўрсатамиз.

### **3-босқич. Гурух ичидағи мұомилаларни истисно қилиш.**

Бош корхона ва унинг шүйба корхоналари бир-бири билан тез-тез савдо қыладилар. Бироқ, агар сиз бош ва шүйба корхоналарни битта гурух сифатида күрсангиз, яғни консолидациялашган ҳисобот тузишингиз зарур, ушбу барча савдо мұомилалари иқтисодий маңнога эга бўлмайди. Бошқача айтганда, бу ҳолатда корхоналар гурухи ташқи ҳисобот фойдаланувчилар нуқтаи назаридан ҳеч қандай мұомилалар амалга оширилмаган деган фикрга келишади.

Шунинг учун, бош корхона ва унинг шүйба корхоналари ўртасидаги барча гурух ичидағи операцияларни бекор қилишингиз керак. Молиявий ҳолат бўйича бош корхона ва шүйба корхоналар ҳисоботларини солиштирасақ, яғни Site Сорнинг Arche Ltd корхонасига 8000 м.с. дебиторлик қарзини ва Arche Ltd корхонасининг Site Сорга 8000 м.с. микдорида кредиторлик қарзи борлигини кўрасиз. Шубҳасиз, бу икки сумма улар ўртасидаги бир хил операцияни англатади, шунинг учун уларни кредиторлик қарзларини дебетлаш ва дебиторлик қарзларини кредитлаш орқали ҳисобдан чиқариш лозим.

### **Хулоса ва таклифлар**

Аммо аксарият ҳолларда эътиборга олиниши керак бўлган кўплаб муаммолар ёки ҳолатлар мавжуд ва уларнинг катталиги ва сони бутун консолидация жараёнини қийинлаштиради.

Қандай муаммолар бўлиши мумкин: Яъни,

- олинган акциялар бўйича ўтказилган тўлов нафақат пул маблағларини, балки бошқа қандайдир шаклларни ҳам ўз ичига олиши мумкин, масалан, акцияларнинг қўшимча чиқарилиши, шартли тўлов (муайян ҳодиса рўй берганда), активларни ўтказиш ва ҳоказо.

- назорат қилинмайдиган қатнашадиган ҳиссани мутаносиб улушда эмас, балкиadolатли қийматда баҳоланиши керак.

- гуруҳлар ичида асосий воситаларни ўтказиш даромад кўринишида акс эттирилиб фойда ва заарлар қаторида. Бундай ҳолатда сиз уни айланмадан олинмаган фойда деб таҳрирлаб ва эскириш ҳисоблашингиз зарур.

- гурух ичидаги операциялар амалга оширилмаган фойда кўринишида бўлиши мумкин, шунинг учун уларни ҳисобдан чиқариш зарур.

- шүйба корхонанинг соф активлариadolатли қийматда баҳоланмаслиги мумкин.

- шүйба корхона тақсимланмаган фойда ва сотиб олингандан кейинги тақсимланмаган фойда ҳақида ҳисобот бериши мумкин. Шунинг учун тақсимланмаган даромадларни фарқлашда жуда эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, консолидациялашган молиявий ҳисоботни халқаро стандартлар асосида тузиш ва халқаро тажрибалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, инвестор манфатларидан келиб чиқкан ҳолда, консолидациялашган молиявий ҳисоботни корхонанинг ҳисоб сиёсатида қабул қилинган корхона активлари, мажбуриятлари ва молия-хўжалик операцияларини тан олишга ягона ёндашув республика ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган шүйба компаниялари томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларни, бош компаниянинг консолидациялашган молиявий ҳисоботни тузишга қаратилиши лозим.

Молиявий ҳисобот таркибий қисмларини танлаш, уларни тўғрилаш ва қайта гурухлаштириш, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари бўйича капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ҳамда молиявий ҳисоботга

изоҳ ва тушунчалар тайёрлаш. Яъни шўъба компанияларнинг ҳисоб сиёсати бош компаниянинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ тузилиши зарур.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6096-сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4611-сонли Қарори.
3. Daniels M.B. Corporation Financial Statements. N. Y., 1980. P. 23.
4. King T.A. More Than a Numbers Game A Brief History of Accounting. John Wiley & Sons Inc, 1992. P. 21.
5. Annual Report of the United States Steel Trust // Scientific American. 1903. 18 Apr. P. 294–295.
6. N.Yu.Jo'rayev. Moliyaviy hisobot. O'quv qo'llanma. TDIU. -T.: 2010.160 bet 113-bet
7. Ochilov.I.(2020) “Improving the preparation of consolidated financial statements in insurance companies in accordance with the requirements of IFRS” International Finance and Accounting. Vol.2020 : Iss.2, Article 26
8. Ташназаров С.Н. “Молиявий ҳисоботнинг МХХС бўйича транс-формацияси зарурати, моҳияти ва босқичлари”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2017 йил.
9. Узоков, Н., Хушмурадов, О. X., & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In *ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТ ИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ* (pp. 376-378).
10. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.
11. Маматов, А. А., Жураев, Т. Т., Назарова, Ф. Х., Хуррамов, А. Ф., & Маматов, М. А. (2020). Развитие хлопково-текстильных кластеров в экономике Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (9), 419-423.
12. Маматов, А. А., & Хуррамов, А. Ф. (2017). Иностранные инвестиции как фактор экономического роста Республики Узбекистан. *Экономика и предпринимательство*, (10-2), 98-101.
13. Samiyeva G. Dehqon xo'jaliklarini tadqiq etishning nazariy asoslari //Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar. – 2021. – №. 6. – С. 171-176.
14. Samiyeva G. T. Concepts of Poverty, Inequality and Social Exclusion //International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development. – 2022. – Т. 4. – №. 3. – С. 122-126.
15. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).

16. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкогретим Онлайн*, 20 (3).
17. TUYGUNOVICH, A. A., OGLI, S. O. A., & QIZI, K. Z. K. Problems of Improving Stock Market Trading Mechanisms in Uzbekistan. *JournalNX*, 6(07), 330-334.
18. Aliqulova, A. (2020). ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF SECURITIES OF COMMERCIAL BANKS AT THE RSE “TASHKENT”. *International Finance and Accounting*, 2020(1), 13.
19. Аликулов, А. Т. (2019). Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва унинг капитал оқимига таъсири. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (6), 54-58.
20. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje*, 24, 390-394.
21. Djalilov, R. H. (2021). The role of the cameral tax audit in the tax control of the republic of uzbekistan.
22. ДЖАЛИЛОВ, Р. РОЛЬ ИСТОЧНИКОВ ИНФОРМАЦИИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ НАЛОГОВОГО КОНТРОЛЯ В УСЛОВИЯХ ПАНДЕМИИ. *ECONOMICS*, (3), 42-46.
23. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
24. Turobov, S. A., & Faxriddinov, B. F. (2021). DEVELOPMENT OF HOME-ENTREPRENEURSHIP-GUARANTEE OF AGRICULTURE STRATEGY. *International journal of trends in marketing management*, 9(1).
25. Туробов, Ш. А., & Фахриддинов, Б. Ф. ЎЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ-ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ ГАРОВИ СИФАТИДА. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (140)), 15-20.
26. Hakimovich, B. A. (2021). Prospects for the development of the fruit and vegetable products market. *ACADEMICIA: AN INTERNATIONAL MULTIDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL*, 11(2), 1270-1278.
27. Бердиев, А. Х., Фармонов, Ж. Б., & Расулов, Х. К. (2020). Эффективность переработки маслосодержащего сырья: проблемы и пути их решения. *Вестник науки и образования*, (13-3 (91)), 6-12.
28. NORMAMATOVICH, K. O., EGAMBERDIYEVNA, A. K., & HAKIMOVICH, B. K. Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework. *JournalNX*, 6(05), 53-56.
29. Khakimovich, B. K. . (2022). Development of Private Capital Financial Statement Audit Methodology in Accordance with International Standards. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 4, 299–303.
30. Azimova, H. (2019). RISING THE INCOME OF POPULATION–THE GUARANTY OF LIVING STANDARD. *International Finance and Accounting*, 2019(3), 7.
31. Алимханова, А. Н., & Мицель, А. А. (2019). Оценка эффективности предприятий на основе метода DEA. *Доклады Томского государственного университета систем управления и радиоэлектроники*, 22(2), 104-108.
32. Равшанов, А. Д., Хасанов, Ш. Х., & Алимханова, Н. А. (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш

33. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
34. Жумаева, Г. Ж. (2020). ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ХОЗЯЙСТВЕННОГО УЧЕТА И АНАЛИЗА. *Экономика и социум*, (3 (70)), 283-286.
35. Музаффарова, К. З., & Эгамбердиева, С. Р. (2022). ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ РОЛИ. *Журнал Инновации в Экономике*, 5(1).
36. Эгамбердиева, С. Р. (2021). ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (140)), 42-47.
37. Аминов, Ф. Б. (2022). РОЛЬ ФИНАНСОВЫХ РЕСУРСОВ В ИННОВАЦИОННОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ. *Economics*, (1 (51)), 26-29.
38. Аминов Ф.Б. (2022). НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ КООПЕРАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. *Экономика и социум*, (10-1 (101)), 232-237.